2007 йил — Ижтимоий ҳимоя йили

30 (580)

2007 йил 25 июль

Чоршанба

ҲАР КИМ САВОБ ИШ ҚИЛСИН, ҲАР КУН САВОБ ИШ ҚИЛСИН!

Mahalla

Газета 1996 йил январь ойидан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармасининг республика нашри

Чоршанба кунлари чиқади

2 ▶ Ичимиздан чиққан душман — исрофгарлардир!

▶ Иши исмига мос Ҳотамжон...

3 ▶ Зиёратга бориб ...давлат тиланманг!

▶ «Йўловчилар, Москвага кунора поезд қатнайди...»

4 ▶ Тақдир йўлларида қондош тутинганлар...

▶ Узумини енг-у, боғини ҳам сўранг!

Истиқлол иншоотлари

БУГУННИНГ ЮМУШИ — БУНЁДКОРЛИК!

СУРАТДА: *йўлсоз қурувчилар бригадаси сардори Ҳасан Рисолаев.*

Р.ГАЛИЕВ олган сурат.

16

Кўприк бунёд қилиш хосиятли юмушлардан ҳисобланади. Бу хосият одамларнинг эзгу мақсад йўлида бирлашуви, шу ҳамжиҳатлик туфайли кўзланган ёруғ манзилларга янада яқинлашувида намоён бўлса, ажаб эмас.

Пойтахтимизнинг марказий ҳудуди — Муҳиддинов номли кўчада бунёд этилаётган кўприк битай деб қолди. Айни кунда кўприк бўйлаб ва унинг атрофида 1200 метр узунликда йўл қурилиши, асфальтлаш, созлаш-монтаж ишлари амалга оширилмоқда.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий судида жорий йил биринчи ярмида тизимда амалга оширилган ишлар таҳлили ҳамда суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотларнинг устувор вазифаларига бағишланган кенгайтирилган раёсат йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича Олий судлари, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича вилоят ва унга тенглаштирилган судлар раислари, Тошкент шаҳар, туман ва туманлараро судлар раислари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Олий суд раиси Б.Мустафоев бошқарган йиғилишда 2007 йилнинг биринчи ярмида фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан муҳофаза этиладиган манфаатларини ҳимоя қилиш, ижтимоий адолат ва қонун устуворлигини таъминлаш борасида фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича судлар томонидан муайян ишлар амалга оширилгани таъкидланди.

Мамлакатимизда давлатимиз раҳбари Ислом Каримов ташаббуси билан қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг конституциявий ҳақ-ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар бераётган самаралар ўлароқ, ўтган олти ой мобайнида фуқаролик ишлари бўйича судлар томонидан 283 мингдан ортиқ иш кўриб чиқилди. Тамомланган ишларнинг 98 фоизи бўйича даъво қаноатлантирилди. Жорий йилнинг биринчи ярмида барча суд инстанцияларида кўрилган ишларнинг сифати яхшиланди. Агар 2006 йилнинг биринчи ярмида 0,7 фоиз суд қарорлари бекор қилинган бўлса, ҳозир бу кўрсаткич 0,5 фоизни ташкил этмоқда.

Жиноят ишлари бўйича судларнинг сифат кўрсаткичлари яхшиланди. Жорий йилда 2006 йилнинг шу давридагига нисбатан айрим жиноят турлари, жумладан, безорилик, ўғирлик, ҳаракат хавфсизлиги қоидаларини бузиш бўйича судланиш камайди.

Раёсат йиғилишида жиноят қонунчилигига киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар ўз самарасини бераётгани қайд этилди. Хусусан, ярашув институтини қўллаш натижасида жорий йилнинг олти ойида 5 минг 551 нафар шахс судланишдан асраб қолинди. Мазкур институт амалиётга жорий қилингандан буён судлар томонидан қарийб 60 минг нафар шахс жиноий жавобгарликдан озод этилди.

Бундан ташқари, жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан жорий йилнинг июлига қадар жиноят оқибатида етказилган 40 миллиард сўмдан ортиқ моддий зарар қопланганлиги сабабли 9 минг 443 нафар шахсга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар тайинланди.

Йиғилишда Олий Мажлис Сенатининг ўнинчи ялпи мажлисида маъқулланган "Ўлим жазоси бекор қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги ҳамда "Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонунлар ҳар бир судья зиммасига катта масъулият юклаши таъкидланди. Бу борада кадрларни тайёрлаш ва ягона суд амалиётини шакллантириш механизмини барпо этиш борасидаги чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Тадбирда судья ва суд ходимларининг масъулиятини янада ошириш, уларнинг касб маҳорати ва малакасини юксалтириш борасида келгусида амалга оширилиши лозим бўлган вазифаларга алоҳида эътибор қаратилди. Унда одил судловни амалга оширишда, адолатни қарор топтиришда қонуний ва адолатли суд қарорларини таъминлаш суднинг обрў-эътиборини оширадиган, аҳолининг унга бўлган ишончини мустаҳкамлайдиган муҳим омил эканлиги таъкидланди.

Йиғилишда кўриб чиқилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Сайёра ШОЕВА,
ЎзА мухбири.

ВЛАДА — ХАЛҚАРО ТУРНИР ҒОЛИБАСИ

Таиланднинг Хонкан шаҳрида хотин-қизлар ўртасида халқаро теннис федерацияси /ITF/ томонидан ўтказилган халқаро теннис турнирининг бош соврини ўзбекистонлик Влада Екшибаровага насиб этди.

Мусобақада еттинчи рақамда сараланган теннисчимиз финалгача мезбонлар вакилларидан София Мулсапни 6:2, 6:4, Нунгнадда Ваннасукни 7:5, 6:3, ҳиндистонлик Санна Бҳамбрини 6:3, 6:2, хитойлик Жиа Ксянг Луни 6:3, 6:4 ҳисобида мағлубиятга учратди.

Бош соврин учун ўтказилган беллашувда Влада Екшибарова Ҳиндистондан келган Иша Лакханига қарши кортга чиқди. Влада биринчи сетни 2:6 ҳисобида бой берди. Бироқ кейинги сетларни 6:2, 6:3 ҳисобида ўз фойдасига ҳал қилиб, учрашувни ғалаба билан якунлади.

Кучли рақиби устидан зафар қучган Влада Екшибаровага халқаро турнирнинг бош соврини топширилди.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,
ЎзА мухбири.

Қашқадарё вилояти

ТОШГУЗАРДАН ДЕНГИЗ САРИ ЙЎЛ

"Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон" темирйўли тўлиқ ишга тушгач, шундай имкониятга эга бўламиз

Мамлакатимиз иқтисодий-ижтимоий ҳаётида муҳим аҳамиятга эга бўлган "Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон" темирйўли қурилиши сўнги босқичга кирди. Айни пайтда "Зарбанд" ва "Даракчи" бекатларида иш қизғин олиб борилмоқда. Мазкур иншоот тўлиқ ишга тушгач, қўшни вилоятлар орқали денгизга чиқиш имконияти яратилади. Бундан ташқари темирйўл бекатларида завод ва фабрикалар, маданий-маиший иншоотлар, хизмат кўрсатиш шахобчалари, ўқув юртлари қад ростлайди. Демакки, минглаб янги иш ўринлари яратилади, халқ турмуши фаровонлиги юксалади.

Қурилишда Тошкент, Қарши, Термиз шаҳарларидаги олийгоҳлар талабаларидан иборат "Бунёдкор—2007" қурувчи ёшлар гуруҳлари ҳам фаол иштирок этяптилар. Талабалар жамоаси темирйўлнинг "Деҳқонобод" бекати қисмида ва шу ҳудудда барпо этилаётган мактаб ҳамда спорт мажмуаси қурилишида меҳнат қилишмоқда.

— Тарихий аҳамиятга эга бўлган, мамлакатимиз ривожида муҳим ўрин тутадиган улкан қурилишга оз бўлса-да ҳиссамиз қўшилаётганидан мамнунмиз, — дейди Тошкент Темирйўл муҳандислиги институти декани Илёсхон Холбоев. — Бу ерга 50 нафар талабамиз ўз ихтиёри билан келган. Улар меҳнат қилиб чиниқиш билан бирга моддий манфаат кўрадилар, ўз касблари бўйича тажриба орттирадилар.

Э.ҚУРБОНОВ

Қорақалпоғистон Республикаси

РАВОН КЎЧАЛАР — БАЙРАМГА ТУҲФА

Мамлакатимизнинг барча жойларидаги сингари Нукус шаҳрида ҳам Истиқлолимизнинг 16 йиллик байрамини муносиб кутиб олиш учун қизғин тараддуд кўрилмоқда. Байрам арафасида шаҳарнинг эски ва янги шаҳар қисмларини боғловчи 6 километрлик халқа йўлини ишга туширишни мақсад қилган йўлсозлар катта қўламдаги ишларни амалга оширмоқдалар. Айни пайтда йўлга асфальт ётқизиляпти. Халқа йўлини бунёд этишда шаҳар йўл қурилиши бошқармаси билан бирга Чимбой, Кегайли, Нукус тумани йўлсозлари, "Оролсувқурилиш" корхонаси, "Қорақалпоқтранс" ҳиссадорлик жамиятининг махсус жамоалари ҳам фаол меҳнат қилишмоқда. Мазкур йўлни барпо этиш учун жами 3 млрд. 200 млн. сўмлик қурилиш ишлари бажарилади.

Бундан ташқари, Тўрткўл ва Чимбой гузарларининг серқатнов шоҳ кўчаларида ҳам комплекс таъмирлаш ишлари жадаллик билан олиб борилмоқда.

Асил БЕК,
"Mahalla" мухбири.

Тошкент шаҳри

"МАҲАЛЛА КУНИ"даги ЭЪТИРОФ

кўрик-танлов ғолиблари муносиб тақдирланиб, уларнинг маҳаллалар ривожига қўшаётган ҳиссаси юқори баҳоланди

Маълумки, ҳар йили Истиқлол байрами арафасида мамлакатимиз бўйлаб «Маҳалла куни» тадбирлари анъанавий тарзда ўтказиб келинади. Бу тадбирларда маҳаллалар аҳли, жамоатчилик иштирок этиб, маҳалла тизими ходимлари ўртасида турли йўналишлар бўйича эълон қилинган кўрик-танлов ғолиблари тақдирланади. Айни кунлар Тошкент шаҳрининг ҳар бир туманида «Маҳалла куни» тадбирлари бўлиб ўтмоқда. Жумладан, пойтахтнинг Мирзо Улуғбек ва Ҳамза номли туманларда «Маҳалла куни» тадбирлари ғоятда қизиқарли тарзда ташкил этилди. «Маҳалла куни» М.Улуғбек номли туманда шу номли истироҳат боғида ташкил этилган бўлса, Ҳамза номли тумандаги маҳаллалар аҳли тумандаги Янгиобод маҳалласида жам бўлишди.

«Маҳалла куни» тадбирлари доирасида ҳар иккала туман маҳаллаларида истиқомат қилувчи ҳунармандлар, касаначию тикувчиларнинг маҳсулотлари, шунингдек, бадиий ижод усталари, ёш ижодкорларнинг ижод маҳсуллари кўргазмалари ташкил этилди. Ушбу кўргазмаларда ҳудудда халқ истеъмоли ишлаб чиқарувчи турли корхоналар ҳам ўз маҳсулотларини истеъмолчилар эътиборига ҳавола этдилар.

«Маҳалла куни» тадбирларида «Энг намунали маҳалла оқсоқоли», «Энг обод маҳалла оқсоқоли», «Фуқаролар йиғини кенгашининг энг намуналий диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси», «Энг ибратли хотин-қизлар комиссияси раиси», «Маҳаллам тарихини ўрганаман» каби кўрик-танловларнинг туман босқичида ғолибликни қўлга киритган маҳалла тизими ходимлари ва фаоллари «Маҳалла» жамғармаси туман бўлинмаларининг эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Таниқли қўшиқчи-санъаткорлар ижросидаги куй-қўшиқлар «Маҳалла куни» тадбирларига алоҳида файз бахш этди.

МУХБИРИМИЗ

"Маҳалла" жамғармаси республика бошқарувининг раёсат йиғилишида

САРҲИСОБ:

ИНСОНЛАР МАНФААТИ — ИСЛОҲОТЛАР НЕГИЗИДА

Яқинда Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, "Маҳалла" жамғармаси республика бошқарувининг "Ижтимоий ҳимоя йили" Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижроси ҳамда ўзини ўзи бошқариш органларининг 2007 йил биринчи ярим йиллик давридаги фаолияти якунларига оид масалалар муҳокамасига бағишланган кенгайтирилган раёсат йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда "Маҳалла" жамғармаси республика бошқаруви раиси А.Аҳмедов жамғарманинг 2007 йил I ярим йиллик давомидаги фаолияти хусусида маъруза қилди.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда давлатимиз ва Юртбошимиз томонидан олиб бораётган инсонпарварлик сиёсатининг туб негизини фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилиш, уларнинг фаровон ҳаёт кечиришларини таъминлашга қаратилган ислоҳотлар ташкил этади. Бу ислоҳотлар самараси ўлароқ бугун юртимизда ҳаёт кечираётган ҳар бир фуқаро ҳар қандай ҳолатда ҳам ўзини жамиятдан, мамлакатда рўй бераётган ижобий ўзгаришлар, янгиланишлардан четда ҳис қилмайди. Негаки, аҳоли турмуш даражаси юксалаётган, инсон қадр-қиммати улуғланаётган юрт аҳли ўзларига кўрсатилаётган бундай ғамхўрлик, эътибору эъзозга жавобан эл-юрт тараққиётига муносиб ҳисса қўшмоқда.

Бу ўринда эса, табиийки, ўзини-ўзи бошқариш органлари, хусусан, фуқаролар йиғинларининг беқиёс хизматлари яққол намоён бўлади. Улар ўз фаолияти орқали давлат ва халқ манфаатлари уйғунлашувига, мақсад-муддаолари муштарклашувига хизмат қилмоқда. Жумладан, Юртбошимиз ташаббуси билан ишлаб чиқилган "Ижтимоий ҳимоя йили" Давлат дастурида ҳам маҳалла тизими ходимлари зиммасига алоҳида вазифалар юклатилар экан, бу орқали юртдошларимизнинг ижтимоий аҳволи энг аввало маҳаллалар кўмагида ўрганилиб, уларга табақалаштирилган тарзда ижтимоий ёрдам кўрсатилиши кўзда тутилган эди.

Хўш, ушбу вазифалар амалда қандай ижро этиляпти?

— Йил дастурида бажарилиши кўзда тутилган қатор вазифалар бевосита бизнинг фаолият йўналишимиз билан чамбарчас боғлиқ, — деб таъкидлади А.Аҳмедов ўз маърузасида. — Шу боис, жамғарманинг республика бошқаруви, унинг жойлардаги бўлим ва бўлинмалари дастурий вазифалар ижросини таъминлашга бу борадаги доимий тадбирлар қамровини кенгайтириш орқали эришмоқда.

Давоми 2-саҳифада ⇨

Mahalla

Ўзбекистон Республикаси матбуот ва ахборот Агентлигида **060** рақами билан рўйхатга олинган.

Нашр кўрсаткичи: 148

Хомий:
«Матбуот тарқатувчи» ҳиссадорлик жамияти

Таҳририят манзили:
Тошкент, Матбуотчилар, 32-уй

www.mahalla.uz

E-mail: mahalla.gz@rambler.ru

Телефонлар:
Қабулхона — 136-53-93
Тел/Факс: — 133-44-25
Масъул котиб: 136-53-75
Хатлар бўлими: 136-57-62

«M.R» — белгиси остида реклама-тижорат мақолалари берилади.

Муассислар:
Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамғармаси республика бошқаруви, «Mahalla» газетаси таҳририятининг меҳнат жамоаси.

— Яна нима дейсиз?
— Юртдошларимизнинг ғайратини қаранг, бунёдкорлик ишидан чарчашмайди-я.

Азиз муштарий! «Mahalla»га 2007 йилнинг қолган муддати учун обуна давом этмоқда. Шошилинг! Йўқотилган кун учун ачинишдан кўра эртанги кун учун қайғурган афзал.

Қорақалпоғистон Республикаси

Истиқлол иншоотлари

УСТЮРТ ҚЎЙНИДАГИ МАКТАБ

Яқинда Устюрт саҳросидаги дастлабки аҳоли яшаш пункти — Қорақалпоғистон шаҳарчасида янги зиё маскани — 26-сонли умумтаълим мактаби биноси қад кўтарди. 192 ўринга мўлжалланган ушбу билим даргоҳининг сифатли ва тез суръатда қуриб битказилишида 6-компрессор станция маъмуриятининг ҳиссаси катта бўлди.

ТАЪТИЛДАГИ ТУҲФА

Элликқалъа туманида ўқувчиларнинг ёзги таътилни кўнгилли ўтказишлари учун "Ёз—2007" дастури асосида қулай имкониятлар яратилди. Жумладан, Бўстон шаҳри маҳаллаларида 350 нафар болалар учун мўлжалланган дам олиш масканлари ташкил этилди. Бешта ана шундай махсус масканларда болалар ҳордиқ чиқариш билан бирга, спортнинг шахмат, шашка, волейбол, баскетбол, футбол каби турлари билан шуғулланиш имкониятга эга бўлдилар.

Асил БЕК,
"Mahalla" мухбири.

"Маҳалла" жамғармаси республика бошқарувининг раёсат йиғилишида

САРҲИСОБ: ИНСОНЛАР МАНФААТИ — ИСЛОҲОТЛАР НЕГИЗИДА

(Давоми. Аввали 1-саҳифада)

Дарҳақиқат, жорий йилнинг ўтган 6 ойи давомида йил дастуридаги асосий йўналиш вазифалари — аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва меҳр-мурувват ишларига жами 12 миллиард 962 миллион 900 минг сўм миқдорида маблағ сарфланган бўлса, шундан 1 миллиард 62 миллион 100 минг сўми бевосита "Маҳалла" жамғармаси ҳиссасига тўғри келади.

Эслаш ўринли, давлатимиз раҳбари Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигига 14 йил тўлиши муносабати билан ўтказилган тантанали маросимдаги нутқида "Ўз-ўзидан равшанки, ижтимоий ҳимоя масаласи — бу фақат давлат ва ҳокимият ташкилотлари, ижтимоий таъминот ва хайрия муассасаларининг иши бўлиб қолмаслиги лозим. "Ижтимоий" деган сўзнинг кўпчиликка, жамоатчиликка мансуб деган маънони ифода этишини инобатга оладиган бўлсак, бу ўта муҳим масала жамиятимизнинг, барчамизнинг бурчимизга айланиши даркор", деб алоҳида таъкидлаб ўтган эди.

Ушбу ҳаётий талаб, эзгу мақсадларимиз самараси шуни кўрсатмоқдаки, бугун юртимизда саховатпеша инсонлар сафи кун сайин кенгайиб бораяпти. Буни йил дастури ижроси доирасида маҳаллалар билан кенгашиб, ўзаро ҳамкорликда республикамиз миқёсида жами 11 миллиард 900 миллион 800 минг сўм миқдоридаги хайрли ишларни амалга оширган ҳимматли ҳомийларимизнинг саъй-ҳаракатлари ҳам яққол тасдиқлаб турибди.

"Маҳалла" жамғармаси бўлим ва бўлинмалари йил дастури ижросини таъминлашда алоҳида ташаббускорлик кўрсатмоқда. Хусусан, жорий йилнинг ўтган олти ойи даврида 194682 нафар оилага турли кўринишдаги манзилли мурувват ёрдамлари ажратилган бўлиб, унда кам таъминланган ва боқувчисини йўқотган оилаларнинг коммунал тўловлардан қарздорлиги бўйича ҳар ойлик ҳомийлик тўловлари жорий этилди. Шунингдек, кексалар ва кўп болали оилалар учун жойларда махсус хайрия тадбирларини ўтказиш йўлга қўйилди.

Маълумки, юртимизда эҳтиёжманд оилаларга қорамол туҳфа этиш ва бу орқали фуқароларимизнинг турмуш шароитини яхшилашга кўмаклашиш анъанага айланиб бормоқда. Бу борада жамғарма ходимлари ҳам алоҳида ташаббус билан чиқишмоқда. Жумладан, жамғарма томонидан жорий йил давомида муҳтож оилаларга 857 дона қорамол тарқатилиши кўзда тутилган эди. Шу мақсадда айни кунга қадар жамғарма ҳисобидан 542 бош қорамол хайрия тариқасида топширилди.

Дарвоқе, "Маҳалла" жамғармаси ҳамда Республика Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги қўшма қарор имзолаган эди. Шу асосда 2007-2010 йиллар давомида амалга ошириладган ишлар юзасидан алоҳида тадбирлар режаси ишлаб чиқилган. Ўтган давр оралиғида бу борада жамғарманинг Қорақалпоғистон Республикаси, Навоий, Сирдарё, Самарқанд, Наманган, Қашқадарё, Тошкент, Фарғона вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳар бўлим ва бўлинмалари томонидан 705 нафар якка-ёлғиз инсон ва пенсионерларнинг уйларини таъмирдан чиқариш учун 172,3 миллион сўм маблағ сарфланди.

Анъанага кўра, ҳар йили Наврўз байрами арафасида республикамиз бўйлаб умумхалқ хайрия ҳашари уюштирилади. Жорий йилда ҳам 10-11 март кунлари умумхалқ хайрия ҳашари ўтказилди. Ҳашар кунларида кам таъминланган, боқувчисини йўқотган, якка-ёлғиз қария ва пенсионерларга ҳомий ва ҳамкор ташкилотлар ҳисобидан жами 550721 миллион сўмлик хайрия ёрдамлари кўрсатилди.

Шунингдек, раёсат йиғилишида кун тартибидаги — Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, "Маҳалла" жамғармасининг 2007 йил иш режаси ижросининг 6 ойлик якунлари, Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 16 йиллигига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисидаги ҳамда "Mahalla" газетаси обунасига доир масалалар ҳам атрофлича муҳокама қилиниб, бу борадаги ютуқлар билан бир қаторда, йўл қўйилаётган хато ва камчиликлар, уларни бартараф этиш чоралари хусусида ҳам сўз юритилди.

Йиғилиш сўнгида раёсат кенгашининг қарори қабул қилинди.

"Футболимиз келажаги" турнири мусобақаларида

Тошкент шаҳри

ЁШЛИКнинг ЁШЛАРИ БИРИНЧИ

Куни кеча турнирнинг шаҳар босқичида 13-14 ёшли ўсмирлар ғолиблик учун ўзаро куч синашди.

Сергели, Юнусобод, М.Улуғбек ва Яккасарой тумани ёш футболчилари ўртасидаги қизғин баҳсларда ўз маҳоратини намойиш этган Сергели туманидаги Ёшлик маҳалласи ёшлари биринчи ўринни эгаллаб, турнирнинг минтақавий босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Шунингек, Яккасарой туманидаги Тўқимачи маҳалласи футболчилари иккинчи ҳамда Юнусобод ва М.Улуғбек тумани вакиллари 3-4-ўринларни эгаллашди.

Жамоаларга "Маҳалла" жамғармаси шаҳар бўлимининг совғалари топширилди.

СУРАТЛАРДА: *ушбу турнирнинг 9-12 ёшлилар ўртасида кечган беллашувларида пойтахт миқёсида I ўринни эгаллаган учтепалик ёш футболчи, жамоа сардори Исмоил Қаноатов (чапда);*

II ўрин соҳиблари — хамза туманилик ёш футболчилар (ўнгда).

Н.СЕМЁНОВА олган суратлар.

МИНТАҚАВИЙ БОСҚИЧ БЕЛЛАШУВЛАРИ ЯКУНЛАНДИ

Аввал хабар қилганимиздек, "Футболимиз келажаги" Республика турнирининг минтақавий босқич учрашувлари бошланиб кетди. Жумладан, Наманган шаҳридаги "Навбаҳор" ҳамда Сурхондарё вилояти Жарқўрғон туманидаги "Алпомиш" ўйингоҳларида бўлиб ўтган мусобақанинг 11-12 ёшли иштирокчилари ўртасидаги беллашувлари якунланиб, турнирнинг республика босқичида тўп сурадиган жамоалар номи аниқланди.



Наманган вилояти

"Навбаҳор" ўйингоҳида ўтказилган учрашувларда Наманган шаҳридаги Сўфизода номли маҳалла ўсмирлари биринчи ҳамда Андижон вилояти Хўжаобод туманидаги Дилкушод маҳалласи вакиллари иккинчи ўринни эгаллади. Энди мазкур икки жамоа мусобақанинг Термиз шаҳрида ўтказиладиган республика босқичига йўл олади.

Мусобақа якунида барча иштирокчилар турнир ташкилотчиларининг совғалари билан тақдирланди.

Сурхондарё вилояти

Ёш бўлишига қарамасдан, бир-бирларига муносиб қаршилик кўрсатган жамоалар ўртасидаги муросасиз курашлар натижасига кўра, Жарқўрғон туманидаги Н.Боймуродов номли маҳалланинг ёш футболчилари биринчи, Қашқадарё вилояти Муборак туманидаги Курувчилар маҳалласи тўпсурарлари эса иккинчи ўринни қўлга киритиб, мусобақанинг финал ўйинлари — республика босқичига йўлланмани қўлга киритишди.

"Алпомиш" ўйингоҳидаги учрашувларнинг кўтаринки руҳда ўтишида Жарқўрғон тумани ҳокимлиги, "Маҳалла" жамғармаси туман бўлинмаси алоҳида жонбозлик кўрсатиб, ғолибларни қимматбаҳо совғалар билан тақдирлади.

Тошкент шаҳри

Мирзо Улуғбек тумани ҳокимлигида Истиқлолнинг 16 йиллигига бағишланган маънавий-ҳуқуқий тарғибот тадбири бўлиб ўтди.

«ЯНГИЛАНИШ ЯРАШАДИ, МАҲАЛЛАМИЗГА!»

Мазкур тадбир Республика Маънавият-тарғибот маркази ҳамда "Маҳалла" жамғармасининг туман бўлинмаси томонидан Президентимизнинг жорий йил 30 майдаги "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўн олти йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги Қароридан келиб чиққан ҳолда ёшларнинг қалбида Ватанга муҳаббат ва истиқлолга садоқат туйғуларини шакллантириш мақсадида ташкил этилди.

Тадбирда сўзга чиққанлар Республикамиз Президентининг "Мамлакатимиз тараққиёти ва халқимизнинг ҳаёт даражасини юксалтириш — барча демократик янгиланиш ва иқтисодий ислоҳотларимизнинг пировард мақсадидир" деб номланган китобининг мазмун-моҳияти ҳақида сўз юритдилар.

МУХБИРИМИЗ

Ушбу мақолалар Ўзбекистон Мустақил оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш жамоатчилик фондининг «Ижтимоий ҳимоя: унда фуқаролар йиғинларининг роли» мавзусидаги лойиҳаси доирасида тайёрланди.

Йил дастури ижроси — амалда

Ҳотамтойлик қилган ҲОТАМЖОН

саховатпешаликда маҳалладошлари ундан ўрнак олишяпти

"Ижтимоий ҳимоя йили" Давлат дастури ижросини таъминлаш борасида Ҳазорасп туманидаги Янгибозор қишлоқ фуқаролар йиғинида бир қатор хайрли ишлар амалга оширилмоқда.

— Қишлоғимизда 2621 та оила мавжуд, — дейди йиғин раиси Неъматжон Турдиев. — Бу оилалар ўзаро ҳамжиҳатликда яшайди, бир-бирига меҳр-оқибат кўрсатишни канда қилмайди. Хусусан, яқинда фуқаролар йиғини ҳамда саховатпеша маҳалладошлар ҳиммати билан 12 та кам таъминланган оилага бир бошдан қорамол берилди. Йил охиригача яна 25 та оилага ана шундай ёрдам кўрсатиш мўлжалланяпти. Боқувчисини йўқотган оилаларнинг 5 нафар фарзандига суннат тўйи қилинди. Фермер Раҳматжон Матназаров 3 нафар етим болаларни қарамоғига олиб, фарзандлари қаторида тарбияламоқда.

Қишлоқда бундай саховатпеша инсонларнинг сафи кенгайиб бормоқда. Ҳотам Бобожоновнинг иши исмига монанд. У ёлғиз қария, ногирон маҳалладошларига ёрдам бериб келмоқда. Оллаберган Маҳмудов ҳам ёрдамга муҳтож маҳалладошларидан ўз мурувватини аямаяпти. Шунингдек, ижтимоий ҳимояга муҳтож кишиларга ҳомийлар томонидан 2 миллион сўмдан зиёд моддий ёрдам кўрсатилди.

Йиғин ҳудудидаги Янгибозор, Алоқа, Амударё маҳаллаларида қурилган шифохона, коллеж ва гузарлар қишлоқ кўркига кўрк қўшиб турибди. Истиқлолимизнинг 16 йиллик байрами арафасида фойдаланишга топширилиши режалаштирилган янги тўйхона аҳолига тўю тантаналарни ортиқча ташвиш ва харажатларсиз ўтказиш имконини беради.

Абдулла САФОЕВ

Хоразм вилояти

Урганч шаҳридаги Жамбул маҳалласи фуқаролар йиғинида маҳалла ҳаётига оид барча ишлар йиғин раиси ва фаоллар иштирокида бамаслаҳат амалга оширилади. Йиғин фаолиятини тўғри ташкил этишда эса улар "Mahalla" газетаси саҳифаларида чоп этилаётган мақола ва мулоҳазаларга таянадилар.

СУРАТДА: *йиғин раиси Баҳодир Бекчанов маҳалла фаоллари билан амалга оширилиши лозим бўлган ишларни муҳокама қилмоқда.*

Қадамбой ОТАЕВ олган сурат.

Наманган вилояти

ИШТИЁҚ БЎЛСА, ИШ ТОПИЛАДИ

меҳнат ярмаркасида 200 дан зиёд киши ишли бўлди

Хўжанд касб-ҳунар коллежида ўтказилган меҳнат ярмаркасида 33 корхона, ташкилот ва фермер хўжаликлари 237 та бўш иш ўринлари билан иштирок этди. Натижада шу куниёқ 115 киши ишга йўлланма олди.

Хусусан, Тўрақўрғон туманида яшовчи ишсизлардан 5 киши 3-пахта тозалаш заводига, 6 киши "Оҳангар-ТТТ" ишлаб чиқариш компаниясига, 7 киши 4-қишлоқ қурилиш комбинатига, қолганлар фермер хўжаликларида ишлаш имкониятига эга бўлдилар.

Шунингдек, 30 нафар ёшлар ҳақ тўланадиган жамоат ишлари билан таъминландилар, 20 нафар қиз-жувон қайта касб-ҳунарга ўқитиладиган бўлди.

— Биз туман ҳокимлиги, туман прокуратураси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати туман кенгаши билан ҳамкорликда бундай тадбирларни қишлоқ ва маҳаллалар ҳудудида ҳам ўтказиб бораяпмиз, — дейди бандликка кўмаклашувчи марказ директори Музаффар Низомов. — Мақсадимиз иш қидираётганларга ёрдамлашиш, уларни фойдали меҳнатга жалб этиш.

Айни пайтда бўш иш ўринлари ҳисобини юритиш бўйича қатъий тартиб ўрнатилмоқда. Унга кўра, мулкчилик шаклидан қатъи назар туман ҳудудида фаолият олиб бораётган барча хўжалик юритувчи субъектлар марказга бўш иш ўринлари мавжуд ёки йўқлиги ҳақида ҳар ойда мунтазам ҳисобот бериб боряпти.

Содиқ САЙҲУН

Бугуннинг муаммоси

ЖЎМРАКДАН ОҚҚАН СУВНИНГ ҚАДРИ ЙЎҚМИ?

Ичимлик сувидан тежамкорлик билан фойдаланмасак, сув таъминотидаги муаммолардан барчамиз азият чекишимиз муқаррар

Кўпқаватли уй ёнидан ўтаётиб, икки аёлнинг суҳбати қулоғимга чалинди.

— Ёз келиши билан ичимлик суви таъминотида муаммолар бошланади, — деди улардан бири. — Ҳар йили шу аҳвол. Юқори қаватларда яшайдиган ҳамма қўшниларим хонадонларига сув чиқмаслигидан доимо шикоят қилишади.

— Тўғри айтасиз! Ҳар ойда коммунал хизматлар учун тўлов йиғувчилар кўпайиб кетади-ю, аммо тизимда бироз носозлик бўлса, чорасини топадиган бирорта одам йўқ...

Дарҳақиқат, айни ёз фаслида баъзи турар-жойлар, кўпқаватли уйлар хонадонларида худди шундай ҳолатлар кузатилиши сир эмас. Яроксиз қувурлар, тизимдаги айрим носозликлар ичимлик сувининг исроф бўлишига ёки кўпқаватли уйларнинг юқори қаватидаги хонадонларга бир маромда сув етиб бормаслигига сабаб бўлмоқда. Бироқ бунинг учун масъулиятни фақат таъминотчи корхона гарданига юклашимиз тўғримикан? Хўш, биз имтеъмолчилар сув исрофгарчилигига йўл қўймаяпмизми?

Ҳар биримизга таниш ҳолат: кунлар исиши билан кўплаб ҳамшаҳарларимиз, кўни-қўшниларимиз ўз хонадони атрофини салқинлатиш мақсадида ҳовли, кўча саҳнларига сув сепишади. Яна кимдир учун тарвуз-қовун ёки яхна ичимликларни салқинлатишнинг энг қулай воситаси — жўмракдан оқаётган муздек ичимлик суви. Айрим хонадонларда эса ҳовли-жойнинг кўркига кўрк қўшиб турган фавворалару ҳовузлар мавжуд. Уларни тўлдириш учун озмунча сув кетадими? Шаҳардан чеккароқда жойлашган кўпгина ҳовлиларда эса иссиқхоналар қурилган. Энди тасаввур қилинг, ўнта хонадонга мўлжаллаб узатилаётган сувни уч-тўрт хонадон юқоридаги каби эҳтиёжлари учун сарфласа, қолган хонадонларга қандай қилиб меъёрида сув етиб борсин?!

Демак, сув танқислиги муаммосининг келиб чиқишига асосан ўзимизнинг масъулиятсизлигимиз, оби ҳаётга нисбатан бепарволигимиз сабаб бўлаётганини инкор этолмаймиз. Шундай экан, токи биз ўзимиз сувни исроф қилмасликни ўрганмас, атрофдагиларга ҳам шундай талабни қўймас эканмиз, бу муаммони бартараф этиш мушкул бўлади.

Бугунги кунда дунёнинг ривожланган мамлакатларида ҳам сув ресурсларини тежаш ва ифлосланишининг олдини олиш долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда. 22 март санаси Халқаро Сув ассоциацияси ташаббуси билан Бутунжаҳон сув куни деб белгиланган.

Маълумки, сайёрамизнинг тўртдан уч қисми сув ҳавзаларидан иборат. Бироқ бу ҳавзаларнинг катта қисми истеъмолга мутлақо яроксиз. Шу боис, ҳозирги кунда ер куррасининг 2 млрд. нафарга яқин аҳолиси ичимлик суви танқислигидан азият чекмоқда. XX асрда дунё аҳолисининг сони уч баробар кўпайган бўлса, ер юзида чучук сувга бўлган эҳтиёж етти карра ортган. Айни сабабдан жаҳон ҳамжамияти ичимлик суви муаммосига катта эътибор қаратмоқда. Шу мақсадда БМТ Бош Ассамблеяси 2005-2015 йилларни "Сув — ҳаёт учун" ҳаракатлари Халқаро ўн йиллиги деб эълон қилган. Мамлакатимизда ҳам бу борада тегишли ташкилотлар томонидан чора-тадбирлар дастурлари ишлаб чиқилмоқда. Биргина Тошкент шаҳрини оладиган бўлсак, ҳозирда пойтахтнинг 98 фоиз аҳолиси ичимлик суви билан тўлиқ таъминланган.

— Пойтахтимиз аҳолисини ичимлик суви билан тўлиқ таъминлаш учун қиш мавсумида 1 млн. 600 куб, ёзда эса фуқароларимизнинг сувга бўлган эҳтиёжи ортишини ҳисобга олиб, кўпроқ ҳажмдаги сувни қайта ишлаймиз. Аҳолини сув билан таъминлашимизда трестимизга қарашли 8 та сув тозалаш иншоотлари муҳим манба ҳисобланади, — дейди "Сувсоз" давлат унитар корхонаси трести раисининг ўринбосари Шерзод Зуфаров. — Негаки, ушбу иншоотларда сув тозаланиб, аҳолига етказиб берилади. Сувни тозалаш кўп меҳнат талаб қиладиган жараён. Мисол тариқасида келтирадиган бўлсак, Чирчиқ дарёсидан оқиб келаётган лойқа сув Боз-Су канали орқали Боз-Су ва Қодирия сув тозалаш иншоотларининг сув тиндиргичларига оқиб киради ва коагулянт эритмаси ёрдамида 8-10 соат давомида тиндирилади. Ҳозирда 1 тонна коагулянт эритмасининг нархи 125 минг АҚШ долларига тенг. Шаҳримиздаги сув тозалаш иншоотларига йилига 2000 тоннадан ортиқ коагулянт эритмаси зарур бўлади. Тиндиргич тубига чўккан лойқа махсус ускуна орқали сўриб олинади. Бу жараёндан сўнг сув фильтрланади, хлорланади... Сув буткул тозаланиб бўлгач, қувурлар орқали хонадонларга етиб боради. Шаҳримизда бир одам учун сувнинг бир суткалик истеъмол ҳажми 330 литр қилиб белгиланган ва фуқароларимиз шу тариф бўйича ичимлик суви сарфи учун пул тўлашади. Лекин 1998 ва 2006 йилларда Японияниг халқаро ҳамкорлик агентлиги билан биргаликда пойтахтимиздаги бир қанча кўпқаватли уйларда ўтказилган кузатишларимиз натижаси шуни кўрсатдики, бир одам суткасига ўртача 700 литр атрофида сув сарфлар экан.

Кейинги йилларда сув ресурсларидан тежамкорлик билан фойдаланишни йўлга қўйиш борасида ҳукуматимиз томонидан ҳам бир қатор қарор ва фармонлар қабул қилинмоқда. Хусусан, Президентимизнинг жорий йил 3 январдаги "Ўзбекистон Республикаси уй-жой фондини совуқ ва иссиқ сув ўлчагичлари билан жиҳозлаш" инвестицион лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорининг ижросини таъминлаш мақсадида Хитой Халқ Республикаси ҳукумати 17 млн. 293 минг 502 АҚШ доллари миқдорида 20 йилга имтиёзли кредит ажратди. Шундан 5 йили имтиёзли давр ҳисобланиб, ушбу вақт оралиғида "Ўзбекистон Республикаси уй-жой фондини совуқ ва иссиқ сув ўлчагичлари билан жиҳозлаш" лойиҳасини тўлиқ амалга ошириш кўзда тутилган. Лойиҳага кўра, 1 млн. 136 минг 393 дона сув ўлчагичлар жорий йил давомида пойтахтимиздаги хонадонларга ўрнатилади.

— Бу фуқароларимизга ҳар томонлама қулайлик яратади ва ҳар бир истеъмолчи белгиланган тариф бўйича эмас, ўзи сарфлаган ҳажмдаги сув учун пул тўлайди. Ўйлайманки, бу ўз навбатида ҳамюртларимизнинг ичимлик суви тўловларини ўз вақтида тўлашларига ҳам ижобий таъсир қилади. Сабаби, ҳукуматимиз томонидан аҳолининг турмуш даражасини яхшилаш йўлида юқоридаги каби имкониятлар яраталиётганига қарамай, ҳамон қарздорликлар билан боғлиқ муаммоларга дуч келмоқдамиз. Буни рақамлар орқали ифодалайдиган бўлсак, Тошкент шаҳри бўйича жорий йилнинг июль ойигача бўлган қарздорлик миқдори 387 млн. 866 минг сўмни ташкил этмоқда, — дейди Шерзод Зуфаров.

Наргис БЕРДИБОЕВА,
"Mahalla" мухбири.

Истиқлол берган имкон

Сурхондарё вилояти

Шамсиддин ОРИПОВ,
Музработ тумани ҳокими.

ҚЎРИҚ ЕРДА ҚАД РОСТЛАГАН БИНОЛАР

бугун обод ва кўркам қиёфа касб этган Музработ аҳлининг хизматида

16

Бундан кўп йиллар аввал Музработ тумани ҳудуди қуш учса, қаноти, одам юрса, оёғи куядиган чўл бўлган. Ҳозирда эса у вилоятнинг энг илғор туманларидан бири саналади.

Туманимиз ерларини ўзлаштириш ва уни бугунги даражага етказиш учун озмунча меҳнат сарфланмаган, албатта. Ўтган асрнинг эллигинчи йилларида қўриқ ерларни ўзлаштиришга киришилиб, замонавий техника воситалари ҳамда чўлқуварларнинг тинимсиз меҳнати самарасида қум барханлари ўрнида экин майдонлари барпо этилган. Деҳқонлар ерга уруғ қадаб, мевали дарахт кўчатларини экиб, боғ-роғлар яратишган. Бора-бора ҳудудда қишлоқ ва маҳаллалар, кўплаб аҳоли пунктлари вужудга келган. Шу тариқа туманда янгича ҳаёт жонланган.

Бугун Музработнинг қиёфаси таниб бўлмас даражада ўзгарди. Шимолда Шеробод ва Қизириқ, шарқда Ангор ва Термиз туманлари билан, жанубда Афғонистон, ғарбда эса Туркманистон республикалари билан чегарадош туманимизнинг умумий ер майдони 73,9 квадрат километрни ташкил қилади. Унинг ҳудудида 9 та қишлоқ ва 36 та маҳалла фуқаролар йиғинлари мавжуд.

Туманимизда аҳолининг турмуш даражаси, иқтисодий-ижтимоий аҳволини яхшилаш борасида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Замонавий кўринишдаги ўқув масканлари, поликлиникалар, қишлоқ ҳакимлик пунктлари барпо этиляпти. Йилдан-йилга сафи кенгайиб бораётган кичик хусусий корхоналар эса маҳаллий аҳолини иш билан таъминлашда асосий манба бўлмоқда. Айни пайтда фуқароларимизнинг 47,6 фоизи ижтимоий фойдали меҳнат билан банд. Аҳолининг қолган қисмини доимий иш билан таъминлаш мақсадида кичик бизнес ва тадбиркорлик, фермерлик ҳаракатини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиляпти. Касаначилик билан шуғулланиш учун ҳам кенг имкониятлар яратилмоқда. Бунинг самараси ўлароқ, ўтган йили ишчи ўринларининг сони 3004 тага кўпайди.

Шу билан бирга маҳсулот ишлаб чиқариш ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришнинг самарадорлигини оширяпмиз. Ўтган йилда қишлоқ хўжалигида ялпи маҳсулот етиштириш ҳажми 2005 йилга нисбатан 10,4 фоизга ошди. Қабул пунктларига белгиланган режадан 14179 тонна ортиқ пахта топширилди. 5270 тонна полиз экинлари, 868 тонна мева, 25 тонна картошка ва 544 тонна узум эл дастурхонига тортиқ қилинди. Чорвадорларимиз эса гўшт, сут, тухум маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш билан бир қаторда қорамоллар бош сонини 9,3 фоизга оширдилар.

Туманимиз ёшлари ҳам замон билан ҳамнафас — келажак сари дадил қадам ташлашяпти. Бугун 34 минг нафарга яқин ўғил-қизларимиз 54 та мактаб ва 2 та лицейда таълим-тарбия олишаётган бўлса, 1622 нафар ёшларимиз коллежларда касб-ҳунар ўрганишмоқда. Фарзандларимизнинг жисмонан соғлом бўлиб вояга етишлари ҳам эътибордан четда қолаётгани йўқ. Ҳудуддаги 22 та ёпиқ спорт заллари, 46 та футбол ва 84 та волейбол майдончалари улар ихтиёрида. Маҳалла — мактаб — оила ҳамкорлиги яхши йўлга қўйилганлиги боис, спорт мусобақалари, кўрик-танловлар, оилавий беллашувлар кўтаринки рухда ўтказилмоқда.

Туманда ободончиликка алоҳида эътибор қаратилган. Бу борада айниқса, қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари билан яқиндан ҳамкорлик ўрнатилган. Оммавий ҳашарларни уюштиришда улар ташкилотчи ва ташаббускор бўлишмоқда. Аҳолига қулайлик яратиш, уларнинг узоғини яқин қилиш мақсадида кейинги уч йилда 5 та маҳаллада гузар қуриб, ишга туширилди. Бундай ободончилик ишларини Ободон, Янги ер, Олтинкўл, Назари-Деҳаиболо, Музработ, Наврўз, Дарбанд каби қишлоқ фуқаролар йиғинларида кузатиш мумкин. Айни пайтда ҳам туманда бунёдкорлик ишлари авжида. Туман аҳли юртимиз мустақиллигининг 16 йиллик байрамини муносиб ютуқлар билан қарши олишга қизғин тараддуд кўрмоқда.

Яқин кунлар ичида Музработ янада кўркам қиёфа касб этиб, кўплаб янгидан-янги иншоотлар тумандошлар ихтиёрига топширилади.

«Ўзбекистон темир йўллари» ДАК фаолиятида амалга оширилган ислоҳотлар самараси ўлароқ, бугунги кунда аҳолига хизмат кўрсатиш даражаси сезиларли равишда юксалди. Бундан тизим ходимлари ҳам бениҳоя мамнун.

СУРАТДА: *Тошкент–Москва йўналишида кунора ҳаракатланувчи 5-сонли халқаро поезд бригадири Эркин Қосимов, вагон кузатувчилари Мария Кривалапова ва Стефания Теренько.*

Р.ГАЛИЕВ олган сурат.

Олам турфа

ЛИТАВРДАН ТАРАЛГАН НАВО

Литавр — ноёб сингари уриб чалинадиган мусиқа асбоби. Бундай мусиқа асбоблари яратилиш даври жиҳатидан чолғу асбоблари ичида энг қадимийси саналади.

Ибтидоий одамлар тошни тошга уриб, оҳанг яратишган, унга монанд ҳолда рақсга тушишган. Сўнгра шақилдоқ яратилган. Ичи бўш идишга ҳайвон териси қопланса, товуш янада кучайиши аниқланган. Ҳозирги замон литаврлари устига тери қопланган катта мис қозонлардир. Симфоник оркестр ижросида куй чалинганда гумбурлаган, ваҳимали товушлар ёки паст шитирлашлар литаврда ижро этилади.

АНТИҚА ЎЛЧОВЛАР

Бир замонлар Японияда отларнинг туёғига ҳозирги темир тақа ўрнига похол тақа қоқилган.

Тақа емирилиб адо бўлганда, сувори манзилига "бир от тақасича" йўл босди деб юритилган. Инглиз узунлик ўлчови "ярд" қирол Генрих I нинг бурни билан у қўлини чўзганда ўрта бармоғининг учигача бўлган масофа тушунилган. Рус деҳқони қўлларини икки ёнига ёйгандан "айлана саржин" ўлчами келиб чиққан.

МИХ "ОМБОРИ"

Қадимда дарахт ва буталар тикони, пайраҳалар, балиқ қилтаноғи ва ҳайвонларнинг чархланган суяклари мих вазифасини ўтаган.

Одамлар металл эритиш йўлини ўрганганларидан сўнг мих қуйишга киришганлар. Даставвал металл михлар қиммат бўлгани боис у тез оммалашмаган. Мих шу қадар қадрли бўлганки, қадимги Рим жангчилари қалъалардан бирини ташлаб чиқиб кетишга мажбур бўлишгач, душман қўлига тушмасин деган мақсадда етти тонна михни кўмиб ташлашган экан. Ўша қимматбаҳо "омбор"даги михлар бизнинг даврга қадар сақланган.

Омонулло АБДУСАЛОМОВ тайёрлади.

Қўрик-танловлар давом этади

Самарқанд вилояти

"МАФТУНКОР РАНГЛАР ДУНЁСИ"

Яқинда Самарқанд шаҳридаги вилоят ёшлар марказида "Мафтункор ранглар дунёси" номли Республика ижодий-бадиий расмлар кўрик-танловининг вилоят босқичи ўтказилди.

Унда кўрик-танловнинг шаҳар ва туман босқичида ғолиб чиққан 30 дан зиёд 7 ёшдан 17 ёшгача бўлган ногирон болалар ўз ижодий ишлари билан иштирок этди.

— Ушбу кўрик-танлов мамлакатимизда ногирон болаларга ҳам етарлича таълим-тарбия берилаётганини эътироф этиш ҳамда улар орасидаги иқтидорли болаларни аниқлаб, қўллаб-қувватлашга қаратилган, — дейди вилоят Ногиронлар жамияти раиси Дилмурод Пардаев. — Ўйлайманки, бу каби тадбирлар ижодкор болаларнинг келгуси ижодий фаолиятига қанот бағишлайди.

Биринчи ва иккинчи ўрин соҳиблари бўлган каттақўрғонлик Нозима Исмоилова ҳамда иштихонлик Икром Асомовлар фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари билан тақдирланиб, кўрик-танловнинг республика босқичига йўлланмани қўлга киритишди.

Рустам ҲАЙИТОВ, "Mahalla" мухбири.

Қашқадарё вилояти

Қарши шаҳридаги болалар маданият ва истироҳат боғида ҳар ҳафта сўнгида "Маҳалламиз болалари" кўрик-танловини ўтказиш анъанага айланиб бормоқда.

ИСТИРОҲАТ БОҒИДА — БЕЛЛАШУВ

Самарқанд, Рогузар, Дарвозатутак, Ойдин, Гулшан, Табассум ва Табассум-1 маҳаллари иштирокида ўтказилган кўрик-танловнинг навбатдаги беллашувларида ёшлар ватанимиз тарихи, маънавий меросимиз — меъморий обидаларимиз, алломаларимиз ҳаёт йўлини ўрганишга бўлган қизиқишларини намоён этдилар. Иштирокчилар маҳаллалар тарихи, маданияти, урф-одатлари ҳақида ҳикоя қилиш билан бирга, миллий қадриятларимизга нисбатан муносабатларини турли саҳна кўринишлари орқали намойиш этишди. Шу жумладан, устоз-шогирд анъаналари бардавомлигининг тасдиғи ўлароқ маҳалла ҳунармандлари кўргазмаси ташкил этилди.

Беллашувлар якунида Ойдин ҳамда Дарвозатутак маҳаллалари жамоалари ғолиб деб топилиб, фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

ҚАДРИЯТЛАР БЕШИГИСАН, МАҲАЛЛАМ!

Касби туманидаги Касби қишлоқ-хўжалик коллежида "Маҳаллам тарихини ўрганаман" Республика кўрик-танловининг туман босқичи бўлиб ўтди.

Ёшларга маҳаллаларнинг тарихий хусусиятлари, номланиш тарихини ўргатиш, уларни миллий қадриятларимиз руҳида тарбиялаш, аждодларимизнинг кўп асрлик бебаҳо меросини тиклаш каби эзгу мақсадларни кўзда тутган ушбу кўрик-танловда тумандаги барча маҳаллалардан вакиллар иштирок этди.

Учта шарт бўйича беллашган кўрик-танлов қатнашчилари ўз маҳаллалари тарихини акс эттирувчи ҳужжатлар, фотосурат ва кўргазмали воситаларни намойиш этишди.

Ҳакамлар ҳайъати томонидан Касби маҳалласи биринчи, Денов маҳалласи иккинчи, Ғайбулла Раҳмонов номли маҳалла фуқаролар йиғини эса учинчи ўринга муносиб деб топилиб, ғолиб жамоа номзоди кўрик-танловнинг вилоят босқичида иштирок этиш учун тавсия қилинди.

Биринчиликни қўлга киритган Касби маҳалласи фуқаролар йиғини вакиллари томонидан намойиш этилган саҳна кўринишлари, ҳунармандчилик буюмлари, айниқса, XIV-XVI асрларда бунёд этилган Султон Мир Ҳайдар зиёратгоҳи тўғрисидаги видео лавҳалар иштирокчиларни бефарқ қолдирмади.

Тадбирда туман ҳокими ўринбосари, туман хотин-қизлар қўмитаси раиси Барно Очилова, шунингдек, "Маҳалла" жамғармасининг туман бўлинмаси ва "Камолот" ЁИҲ нинг туман кенгаши вакиллари иштирок этди.

МУХБИРИМИЗ

Сарҳадга туташ йиғинлар

Андижон вилояти

ДЎСТ БИЛАН ОБОД УЙИНГ...

Кўрғонтепа тумани Чимён қишлоқ фуқаролар йиғини ўрамидаги Эшонобод маҳалласида асосан қирғиз миллатига мансуб аҳоли истиқомат қилади. Негаки, маҳалла қўшни Қирғизистон Республикаси билан чегарадош ҳудудда жойлашган.

— Чегара ортидаги аҳоли билан азал-азалдан бордикелдиларимиз бор, — дейди Эшонобод маҳалласи фуқаролар йиғини раиси Хўжамберди Каримқулов. — Тантанали кунларда, байрамларда бир-биримизни йўқлашни унутмаймиз.

Маҳалла фуқароси, иқтисод фанлари доктори Исмоилжон Эрматов ташаббуси билан йиғин ҳудудида қирғиз тилида фаолият юритувчи иқтидорли болалар лицей-интернати ташкил этилди. Ҳозир бу ерда бутун вилоятдан ёшлар келиб, аниқ фанлар бўйича таълим олмоқдалар.

Ижтимоий ҳимоя йили муносабати билан маҳаллада белгиланган чора-тадбирлар режаси асосида муайян ишлар олиб борилмоқда. Маҳалла аҳлининг саъй-ҳаракати билан серфарзанд, кам даромадли оилаларнинг тўрт нафар фарзанди учун хатна тўйи ўтказилди, тўртта кам таъминланган оилага ҳомийлик ёрдами кўрсатилди. Маҳалладаги уруш фахрийлари ҳонадонлари таъмирдан чиқарилиб, томорқаларига экин экиб берилди.

— Маҳалладошларимизнинг фаровон турмуш кечиришини таъминлаш учун энг муҳим омил тинчлик-осойишталикдир, — дейди маҳалла оқсоқоли. — Бунга эришиш учун эса маҳалла аҳли, қолаверса, қўшни республика фуқаролари билан ўзаро дўстлик, бирдамлик муносабатлари асос бўлади. Зеро, доно халқимиз "Қўшнинг тинч, сен тинч" деб бежиз айтмаган. Айни пайтда бизнинг бу борадаги ютуқларимиз эътироф этишга арзийди.

Узоқбой САКСОНБОЕВ, "Mahalla" мухбири.

Тошкент шаҳри



ИСТИҚЛОЛ ЁШЛАРИ УЧУН ЯНГИ МАКТАБ

Пойтахтнинг Собир Раҳимов номли туманидаги Истиқлол маҳалласида яқинлашиб келаётган Мустақиллигимизнинг 16 йиллик байрамига ҳозирлик ишлари қизғин кечмоқда. Айни кунда маҳалла ҳаётида юз бераётган энг аҳамиятли ижтимоий воқеалардан бири йиғин ҳудудидаги 28-ўрта таълим мактаби учун янги бино қурилишидир *(юқоридаги суратда)*. Демак, Истиқлол ёшлари янги ўқув йилини янги мактаб биносида бошлайдилар.

Ҳудудда тартибни сақлаш ва осойишталикни таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳам таҳсинга лойиқ. Йиғин ҳудудидаги 183-милиция таянч пункти нозирлари, капитан Илҳом Бекмирзаев *(ўнгда)* ва сержант Раҳмат Нурматов кечаю кундуз маҳалла аҳли тинчлигини сақлаш учун хизматга шай туришибди.

Р.ГАЛИЕВ олган суратлар.

Сабоқ

ЗИЁРАТ ...МОЛУ ДАВЛАТ ЗИЁДАЛИГИНИ СЎРАШ УЧУНМИ?

муқаддас қадамжога келган зиёратчиларнинг орасида молу дунёсига барака сўрайдиганлар ҳам йўқ эмас!

...Таътил кунларида кўҳна Самарқанд шаҳри яқинида жойлашган Имом ал-Бухорий зиёратгоҳига бордик. Маълумки, XVI асрда бунёд этилган бу меъморий ёдгорлик буюк аждодларимиздан бири саналган Имом ал-Бухорийнинг 1225 йиллик юбилейи муносабати билан Мустақиллик даврида, яъни 1998 йилда қайта қурилган ва обод қиёфага кирган. Бугун зиёратгоҳ юртимизнинг барча ҳудудларидан, шунингдек, дунёнинг турли мамлакатларидан келган минглаб зиёратчилар, сайёҳлар билан гавжум.

Зиёрат чоғида учратганим бир ҳол мени ўйга толдирди. Зиёратгоҳга келган бир гуруҳ аёллар Имом ал-Бухорий қабри устида қурилган мақбара ёнига келиб, мармар тошни тавоф қила бошлашди. Уларнинг неларнидир пичирлашиб, мармар тошни юз-кўзларига суртишлари бошқа зиёратчиларнинг эътиборини тортди, албатта. Бизга аллома ҳаёти ҳақида сўзлаб турган зиёратгоҳ хизматчиси ўша аёлларга юзланди:

— Онажонлар, нима қилаяпсиз? Нега тошларни юз-кўзингизга суртасиз?!

— Узоқ йўл босиб келдик, шу ерга кўмилган азиз авлиё руҳидан ниятларимиз ушалишини сўраяпмиз-да, — деди аёллардан бири.

Мармар тошни тавоф қилаётган бошқа аёллар юқоридаги саволжавобга парво ҳам қилмай, тилакларини баён қилишда давом этишди. Зиёратгоҳ хизматчиси уларга яқинлашиб, яна босиқлик билан тушунтирди:

— Ният қилинглар, лекин бу девору тошларни кўзга суртиб эмас...

Аёллар ўз билганларидан қолишмади, мармар деворни обдон силабсийпаб, беш-ўн дақиқа пирчирлаганча ўтиришди. Юқоридаги суҳбат давомида мен ҳам аёлларга яқинлашиб қолибман, уларнинг бири айтаётган ниятлар беихтиёр қулоғимга чалинди: "...ўғилгинамнинг топган-тутганига барака кирсин, молу давлатини зиёда қил... қизгинамнинг рўзгори бут бўлсин..."

Ана холос! Ахир бу сўзлар моддий неъматлардан умидворлик ифодасику! Бу ерга зиёрат мақсадида келган киши буюк ҳадисшунос олим руҳига тиловат бағишлаб, аввало ўзи ва яқинлари учун ёлғиз Аллоҳдан имон бутлиги, мағфират сўраши жоиз эмасми? Шу каби "дуогўйлар"ни Баҳоуддин Нақшбанд зиёратгоҳида ҳам кўргандик. Одамлар уч асрга гувоҳ азим дарахт атрофида кўз ёш тўкканча таваллолар қилардилар. Тўғри, муқаддас қадамжоларда ердаги гиёҳ ҳам мусбат, яъни ижобий қувватга тўйинган бўлишини, шу туфайли зиёрат қилгач, киши ўзини руҳан енгил, кўтаринки ҳис қилишини мутахассис олимлар илмий жиҳатдан асослаб берганлар. Аммо нега энди илоҳий қудратни ёғочу тошлардан кутамиз?

Зиёратгоҳлар алломаю солиҳ ўтган аждодларимизни ёд этиб, руҳларига дуои мағфират бағишланадиган, ўткинчи дунё ташвишларини бир зумга бўлса ҳам унутиб, қалбимиз, руҳиятимизга ором, озуқа берадиган масканлар эмасми? Баъзан қулоғимизга "фалончи фалон жойга зиёратга бориб, касали тузалибди...", деган гаплар чалинади. Қарабсизки, зиёратга отланган кишининг хаёлида минг хил ўй-хаёл... Тўғри, "Ихлос — халос" деган нақл бор халқимизда. Бундан ташқари, кўпгина муқаддас қадамжолар атрофидаги тупроқ, сув айрим дардларни даволаш хусусиятига ҳам эгалиги рост. Лекин, нега айрим кишилар бу муқаддас қадамжоларга ботиний дунё ташвишларини, моддий манфаатлар унумини кўзлаб борадилар? Нега бу зиёратгоҳларни фақат дардимизга шифо истаб ёки муаммолар ечимини излаб ёдга оламиз!? Нега биз орзу-умидларимизни Шоҳизинда мажмуидаги зиналар сони ёки Хива шаҳридаги Пахлавон Маҳмуд мақбараси ҳовузига ташланган челакнинг сувга тўлиб ё тўлмай кўтарилишига боғлаймиз? Балки бу ақли шууримиз ҳали ожиз бўлган синоатдир, балки шундай ирим-сиримлар, ривоятлар ҳақиқатга яқиндир. Аммо ҳаётимиздаги муайян воқеа-ҳодисаларни уларга боғлаш, фақат шундай ўй билан ҳаёт кечириш тўғримикан?

Имом ал-Бухорий ёдгорлик мажмуаси зиёратидан қайтар эканман, мажмуа ёнида буюк ҳадисшуноснинг ҳаёти ва эзгу амаллари ҳақида ҳикоя қилувчи китобчаларнинг бир нечтасини қўлида тутган аёлларни учратдим. Уларнинг бири иккинчисига "Болалар ўқишар, деб олдим. Шунақа китобларни ҳам ўқитиб туриш керак уларга, билдингизми..." дея насиҳат оҳангида сўзлади. Хўш, уларнинг ўзлари-чи? Ўзлари ҳам ўқишармикан бу китобларни? "Албатта, ўқишади! Ахир маънавий озуқа, имон дарси каттаю кичикка бирдек керак-ку!" деган ўй келди хаёлимга. Бу ўйни муқаддас зиёратгоҳда қилинган яхши ният деб ҳисобласа ҳам бўлади, менимча...

Моҳичехра ЛАТИПОВА, талаба.

"Айтгин (эй, Муҳаммад), мен ҳам сизларга ўхшаш инсонман. Мен сизларга Аллоҳингиз биттадир, кимки ўз парвардигорига рўбарў бўлишдан умиди бўлса, яхши ишларни қилсин ва Аллоҳнинг ибодатига бошқаларни шерик қилмасин»

(Қуръони Каримнинг "Каҳф" сураси, 110-оят).

Сўранг, жавоб берамиз!

Савол:

НАФАҚА ОЛИШГА ҲУҚУҚИМ БОРМИ?

Узрли сабабларсиз бир неча кун ишга ўз вақтида келолмаганим туфайли ишдан бўшатилдим. Бошқа иш топгунимча шу пайтга қадар ишлаб келган ташкилотимдан нафақа олишга ҳуқуқим борми?

Жавоб:

ҚОИДАЛАР ХОДИМНИНГ АЙБИ БИЛАН БУЗИЛСА...

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 109-моддасига кўра, иш берувчининг ташаббуси билан, ходим ўзининг меҳнат вазифаларини бажармаганлиги сабабли шартнома бекор қилинса, шунингдек, ишга қабул қилиш юзасидан белгиланган қоидалар ходимнинг айби билан бузилган ҳоллар (суднинг муайян лавозимни эгаллаш ёки муайян фаолият тури билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум этиш ҳақидаги ҳукмини яшириш, сохта ҳужжатлар тақдим этиш ва ҳоказо)да ишдан бўшатиш нафақаси тўланмайди.

Мазкур моддага биноан, меҳнат шартномаси бекор қилинган қуйидаги ҳолларда ишдан бўшатиш нафақаси тўланади:

- тарафлар ихтиёрига боғлиқ бўлмаган, ушбу кодекснинг 106-моддаси 1 ва 2-бандларида (ходим ҳарбий ёки мукобил хизматга чақирилган тақдирда; шу ишни илгари бажариб келган ходим ишга тикланган тақдирда) назарда тутилган ҳолларда;

- меҳнат шартномаси ушбу кодекснинг 106-моддаси 4-банди (ишга қабул қилиш юзасидан белгиланган қоидалар бузилганлиги муносабати билан, агар йўл қўйилган қоидабузарликни бартараф этишнинг имкони бўлмаса ва у ишни давом эттиришга тўсқинлик қилса)га биноан бекор қилинганда;

- ходим янги меҳнат шартлари асосида ишни давом эттиришни рад этганлиги сабабли...

Наманган вилояти



«ҚИШДА ҲАМ УЗУМ ПИШАДИ»

Тўрақўрғон туманининг Хўжанд қишлоғида узумчиликнинг билимдони Комил Юсупов истиқомат қилади. Айтишларича, қадимда буюк аждодимиз Заҳириддин Бобур Хўжандда пишган узумларни тотиб кўриб, юксак баҳо берган экан. Комил аканинг аждодлари ўша замонлардаёқ узум етиштиришнинг ҳадисини олган экан. Шу бўйи бу сир-синоат авлоддан-авлодга мерос бўлиб, 1994 йилда Юртбошимиз ҳам ушбу хонадонга ташриф буюрган, она заминимизда етиладиган қадимий узум навларини асраб келаётган Комил аканинг падари Абдужаббор отанинг меҳнатларини юксак тақдирлаб, отахонга «Жигули ВАЗ-2104» русумли енгил автомашина ҳадя қилган эди. Абдужаббор ота дунёдан ўтганига уч йил бўлди. Бугун Комил аканинг саъй-ҳаракати билан бу ҳовлида йилнинг исталган фаслида ҳам токдан янги узилгандек турли узум навларидан тотиб кўриш мумкин. Нафақат узум етиштириш, балки уларни сақлаш борасида ҳам катта тажрибага эга Комил акани қишлоқдошлари "Узумнинг пири" дейишининг боиси ҳам шунда...

Р.ГАЛИЕВ олган сурат.

Зиё масканларида

БЕБАҲО ХАЗИНА

унда халқимиз тарихи, миллий маънавий меросларимизнинг дуру гавҳар дурдоналари жамланган

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси Марказий Осиёдаги энг қадимий адабиётлар, китоблар ва манбалар тўпланган беқиёс хазинадир. Кутубхонанинг «Нодир нашрлар ва қўлёзмалар» бўлими фондида 15 мингдан ортиқроқ ноёб китоблар сақланмоқда. Улар XV — XX асрлар оралиғида яратилган. Юздан ортиқ турли даврларга оид қўлёзма асарлар, 594 жилддан иборат «Туркистон» тўплами, турли тарихий хариталар, 10 та фотоальбом, 15 турдаги 1870-1924 йилларда нашр этилган газета тахламлари ва қимматли маълумотлар берадиган бошқа қўлланмалар сақланмоқда.

Кутубхонанинг «Нодир нашрлар ва қўлёзмалар» бўлимида тарихий-меъморий обидаларнинг 1900 йилдаги Халқаро Париж кўргазмасида, 1890-1909 йилларда Туркистон ўлкаси кўргазмаларида (Тошкентда) намойиш этилган ва юксак баҳоланган рангли фотосуратлари ҳам сақланмоқда. Шунингдек, кутубхонада «Туркистон вилоятининг газетаси», «Туркестанские ведомости» (1870-1916 йилларда чоп этилган), «Улуғ Туркистон» (1917-1918), «Садои Туркистон» (1914-15), «Садои Фарғона» (1918-1920), «Иштирокиюн» (1918-1920) ва бошқа тарихий нашрларнинг тахламлари, жаҳон халқларининг турли тилларида чоп этилган асарлари билан ҳам танишиш мумкин. Зиё масканида кейинги 137 йил мобайнида тўпланиб ва авайлаб сақлаб келинаётган маънавий бойлигимиз бугунги кунда энг талабчан ўқувчининг ҳам эҳтиёжини қондира олади. Кейинги йилларда республикамизнинг бой тарихи, илмий мероси, маданияти, санъати, аҳоли турмуш тарзи, урф-одатлари, қадриятлари тарихий меъморий обидалари ҳамда бугунги кунда қўлга киритилаётган ютуқларни кўриш ва ўрганишга қизиқувчи тарихчи мутахассислар ҳамдўстлик мамлакатларидан ҳамда хориждан кутубхонага, айниқса, унинг «Нодир нашрлар ва қўлёзмалар» бўлимига келиб турадилар.

— Юртимиз мустақилликка эришгандан кейин Америка, Англия, Франция, Германия, Япония, Италия, Туркия, Жанубий Корея ва Ғарбий Европанинг бошқа мамлакатларидан ҳам кўплаб тадқиқотчилар бу ерга келиб, юртимизнинг қадимий тарихини, этнографиясини, тилини ва ижтимоий ҳаётини ўрганишяпти, — дейди биз билан суҳбатда кутубхонанинг «Нодир нашрлар ва қўлёзмалар» бўлими бошлиғи Шоҳида Аббосова. — Кутубхонада бўлсангиз, япониялик олимлар Кимура Сатору ва Асамура Такао, германиялик Роман Лайхер, Флоренс Майер, италиялик Палола Сартори, туркиялик Кишимжон Эшенкулова, Хатиноглу Нуреттин, қозоғистонлик Сэкен Косанбоев, Бауиржан Енсепов, Сабира Сайфулмаликова, тожикистонлик Абдуқодир Шехов, Ҳалимжон Мирзоматов, қирғизистонлик Жэнебек Алимбаев каби илмий тадқиқотчилар юртимиз тарихи, маданияти, санъати, тарихий обидалари, Буюк Ипак йўлида жойлашган шаҳарлар тарихи, маданияти, турмуш тарзи, ҳунармандчилиги ва савдоси билан шуғулланаётганларининг гувоҳи бўласиз.

— Мен Туркиядан келганман. Ўзбекистон Миллий кутубхонасига келиб, бу ерда менга яратиб берилаётган имкониятлардан фойдаланиб, илмий ишим юзасидан анча материаллар тўпладим, — дейди Кишимжон Эшенкулова.

Кутубхонадаги қадимий ва ноёб нашрлар катта-катта темир шкафларда сақланмоқда. Кўп фойдаланиладиган ноёб нашрларнинг тўлиқ электрон матнлари, айни бир вақтда бўлим фондининг электрон каталоги ҳам яратилаяпти.

Рашид БОЙТИЛЛАЕВ

МУНАЖЖИМЛАР ТАЎБИРИ

ҚЎЙ (21.03-21.04)

Ушбу ҳафта савдо ишлари билан шуғулланувчилар учун ўта омадли кечиши кутилмоқда. Шундай экан, бу борада таваккал қилишдан чўчиманг.

СИГИР(22.04-20.05)

Оила аъзоларингиз ва яқинларингиз томонидан танқидга учрашни истамасангиз, уй-рўзғор юмушларига эътиборлироқ бўлишингиз лозим.

ЭГИЗАКЛАР (22.05-21.06)

Ушбу ҳафтада юз бериши кутилаётган воқеалар ҳаётингизнинг ижобий томонга ўзгаришига сабаб бўлиши мумкин. Дам олиш кунларини дўстлар даврасида ўтказинг.

ҚИСҚИЧБАҚА (22.06-22.07)

Ўз юмушларингизни атрофингиздагиларга юклашингиз нотўғри эканлигини англаган ҳолда уларнинг ечимини излашга жиддийроқ киришишингиз лозим.

АРСЛОН (23.07-22.08)

Шу кунларда яқинларингиз сизни хушнуд қила оладиган янгиликдан бохабар этишлари ёки кутилмаган совға улашишлари кутилмоқда.

ПАРИЗОД(23.08-22.09)

Шу кунларда уюштирилган сафар ёки дам олиш масканларидаги мароқли ҳордиқ кейинги режаларингиз ривожи учун хизмат қилади.

ТАРОЗИ (23.09-22.10)

Айни пайтда режаларингизни амалда қўллашга шошилмаганингиз маъқул. Акс ҳолда уларнинг натижаси сиз кутгандек бўлмаслиги мумкин.

ЧАЁН (23.10-22.11)

Ҳафта мобайнида яқинларингиз муаммолари ечими сизга боғлиқ бўлиши мумкин. Улардан кўмак ва эътиборингизни аямасликка ҳаракат қилинг.

ЎҚОТАР (23.11-21.12)

Шу кунларда атрофингиздаги воқеаларга муносабат билдиришда эҳтиёткорроқ бўлишингиз лозим. Акс ҳолда муаммоли вазиятлар вужудга келиши эҳтимоли бор.

ТОҒ ЭЧКИСИ(22.12-19.01)

Тугалланмаган юмушларингизни дарҳол ниҳоясига етказинг. Ҳафта давомида сизга муҳим вазифа юклатилиши кутилмоқда.

ҚОВҒА (20.01-18.02)

Ушбу ҳафтада уюштирилган сафар ёки саёҳат қизиқарли таассуротларга бой бўлиши кутилмоқда. Соғлиғингизга ҳам эътиборлироқ бўлинг.

БАЛИҚ (19.02-20.03)

Шу кунларда билим ва салоҳиятингизни янада бойитиш учун қулай имконият туғилиши мумкин. Ундан унумли фойдаланишингиз лозим.

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси республика бошқаруви бошқарув ходими Баҳром Авлияхўжаевга падари бузруквори **ЖЎРА ОТА**нинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Мулоҳаза минбари

«SMS»дан ХАБАР КЕЛСА...

Мулоҳазамиз чўнтак телефонлари орқали жўнатилаётган ва уяли алоқа аппаратимизга келиб тушаётган «SMS»лар ҳақида. Биз ундан кундалик ҳаётимизда кўп фойдаланамиз. Ёки алоқа компаниялари томонидан турли таклиф, реклама ва қисқача матн тарзидаги жўнатмаларга тез-тез кўзимиз тушиб туради. Хўш, «SMS»лар биз учун қанчалик зарур? Умуман олганда, улардан нима мақсадда фойдаланяпмиз?

Аксарият ҳолларда катта ёшли кишилар «SMS»лардан зарурат юзасидангина фойдаланишади. Ёшлар эса заруратдан ташқари, кўнгил очиш, бўш вақтда эрмак учун бу хизматдан фойдаланаётгани сир эмас. Албатта, баъзи фикрлар, иқтибослар ёки шунга ўхшаш гаплар хат орқали қизиқарлироқ ва таъсирчанроқ чиқиши мумкин. Бироқ шунчаки гаплашиш учун хат ёзгандан кўра, қўнғироқ қилиб суҳбатлашган афзалроқ, назаримда. Негаки, солиштириб кўрадиган бўлсак, амалга оширилаётган қўнғироқнинг бир дақиқаси билан битта «SMS» учун тўланадиган тўлов миқдори деярли тенг. Битта хат учун нарх ёзиладиган «SMS»га нечта ҳарф сиғади-ю, у қанча сўзни ташкил қилади? Телефонда боғланиб, бир дақиқа мобайнида нечта сўзни гапириш мумкин? Эҳтимол мушоҳада қилиб кўрмагандирмиз, телефон ёрдамида бир дақиқа давомида гаплашганимизнинг арзимаган қисмини ҳам битта «SMS»га сиғдира олмаймизу, лекин улардан фойдаланганимиз учун ҳар иккаласига ҳам бир хилда ҳақ тўлаймиз.

Кишини ўйлантирадиган яна бир жиҳати шундаки, алоқа компаниялари томонидан мижозларнинг қўл телефонларига ёзма тарзда жўнатилаётган таклифлар қанчалик аҳамиятга эга? Одатда, «SMS» орқали мижозга танишувлар, қўшиқ, мусиқа, ўйин ҳамда латифаларни кўчириб олишга таклифлар келиб тушади. Хизматдан фойдаланганлик учун тўланадиган нарх эса ўртача ҳисобда 1000 сўмга яқин. Гап ушбу хизматнинг нархида эмас, балки бу турфа таклифларнинг мижозга нечоғлик даражада зарурати борлигида. Хўш, бу «SMS»лардан мижозларга нима манфаат?

«SMS» хизмати орқали янги орттирилган таниш билан келажакда оила қуришдек жиддий мақсад йўқлиги, бу шунчаки эрмак ва кўнгилхушлик эканини бу хизматдан фойдаланувчи ҳар ким аниқ тан олади. Шундай экан, «SMS» учун маблағни беҳуда сарфлашга не ҳожат? Қолаверса, ҳозирги кунда кўпчилик вояга етмаган ёшларда чўнтак телефони бор. Албатта, бунда алоқа компанияларининг айби йўқ. Чунки ҳали паспорт олмаган шахсга абонентлик картаси берилмайди. Ота-онаси ёки акалари олиб берган телефондан фойдаланиб юрган бола қизиқувчанлик қилиб, танишув кодларига ҳам хат жўнатмоқда. Ўсмир ёшдаги болаларга бу муносибмикан?

Бундан ташқари, 50-60 ёшли кишилар, шунингдек, аёллар ҳам зарурат юзасидан уяли алоқа воситаларидан фойдаланишади. Турли ўйинларни кўчириб олиш ёки танишув ҳақидаги кунда-кунора келиб турган таклифлар уларнинг ғашига тегиши табиий. Тўғри, чўнтак телефони соҳибларини қайсидир қўшиқни кўчириб олиш ё бўлмаса, теле ва радио дастурлардаги қаҳрамон ёхуд қўшиқчига «SMS» орқали овоз беришга ҳеч ким мажбурламайди. Лекин келиб тушаётган хатларнинг ҳам қандайдир меъёрий кўриниши бўлиши керак-ку. Ўйлаб кўрайлик-чи, олтмиш ёшли онахоннинг телефонига танишувга таклиф келиб тушса, бу мантиққа қанчалик тўғри келади?!

Балки, кимларгадир танишув, мусиқалар ёки бошқа нарса ҳақидаги «SMS»лар керакдир. Аммо фойдали, ёшларнинг камолотида нафи тегадиган, ёши катта кишиларнинг эса кундалик турмуш эҳтиёжларини қондиришда қўл келадиган хизматлар ҳам бўлиши мумкин-ку, тўғри эмасми?

Ҳамза АБДУЛЛАЕВ

Дунёга довруғ солган спорчиларимиз

НОДИРА – БРОНЗА МЕДАЛ СОВРИНДОРИ



Озарбайжон пойтахти Боку шаҳридаги Гейдар Алиев номли муҳташам спорт мажмуасида бўлиб ўтган спортнинг универсал жанг тури бўйича аёллар жаҳон чемпионатида ҳамюртимиз Нодира Казакова 63 килограмм вазн тоифасида 22 та мамлакат вакиллари ўртасида фахрли учинчи ўринга сазовор бўлди. Спортнинг бу тури бўйича жаҳон миқёсидаги мусобақа илк маротаба ўтказилди. Ёш ватандошимиз бронза медали совриндори сифатида Ўзбекистонга ёруғ юз билан қайтди. Бунгача у юртимизда ўтган «Машриқзамин маликаси» танлови совриндори бўлган эди.

Р.ГАЛИЕВ олган суратлар.

Бокс

«Қирол»лар жанги олдидан...

имкониятлар тенг баҳоланмоқда

WBA йўналиши бўйича ўта оғир вазн тоифасида жаҳон чемпиони Руслан Чагаевнинг биринчи мураббийи Александр Размаховнинг фикрича, жорий йилнинг 13 октябрида Москва шаҳрида Руслан Чагаев билан Султон Ибрагимов ўртасида бўлиб ўтадиган жангда иккала боксчи ҳам бир хил имкониятга эга.



WBO йўналиши бўйича ўта оғир вазн тоифасида жаҳон чемпиони Султон Ибрагимов.

— Уларнинг иккаласи ҳам чапақай ва ўта чидамли. Демак, спортчиларнинг ғолиблик учун имкониятлари ҳам тенг. Чагаевнинг Валуев устидан ғалаба қозонишига кўпчилик ишонмаган эди, лекин Руслан бунга эришди. Бироқ бу билан Чагаев Москвада ўтказиладиган жангда ҳам яққол устунлик қилади, дея олмаймиз. Негаки, Султон ҳам ўта оғир вазн тоифасида жаҳон чемпиони, — дейди А.Размахов. — Кличко ҳақида гапирадиган бўлсак, тўғри, ҳақиқатдан ҳам у ўта оғир вазн тоифасидаги жаҳоннинг энг кучли боксчиси ҳисобланади. Аммо Николай Валуев ҳақида ҳам Руслан билан бўлган жангдан олдин кўпчилик ана шундай фикрда бўлган. Шу боис, бу гал ҳам бокс ишқибозлари жуда қизиқарли жангнинг гувоҳи бўлишлари мумкин.



WBA йўналиши бўйича ўта оғир вазн тоифасида жаҳон чемпиони, ҳамюртимиз Руслан Чагаев.

Манба: Press-uz.info

Одамийликдан сабоқ...

ҚИЁМАТЛИК ОНА

унинг қонида жўш урган меҳр бемор болани ҳаётга қайтарди

...Кўзда ёш билан касалхонадан шошилганча югуриб чиққан жувонга Зулфияхоннинг «Нима бўлди, жоним қизим?» дея берган саволи жавобсиз қолди. Кўнгли аллақандай нохушликни сезгандек, жувоннинг ортидан чиққан кекса аёлдан:

— Онажон, тинчликми? — деб сўради.

— Эх, асти сўраманг, қизим. Набирам оғирлашиб қолган, шифокорлар зудлик билан қон қуйиш керак, дейишди. Бироқ болагинамнинг қон гуруҳи камёб экан, топилиши қийин бўляпти...

Бу сўзларни эшитган Зулфияхон шошилганча касалхонага кириб кетди. Чунки унинг қон гуруҳи ҳам камдан-кам учрайди. Даволовчи шифокор билан гаплашиб, қон гуруҳи беморники билан тўғри келишини аниқлади ва шу заҳотиёқ қон беришга тайёрлигини айтди.

Неча жойдан қидириб тополмай, ноилож қайтган она Нодиржоннинг ёнида қон топшираётган аёлни кўриб, аввал ҳайрон бўлди, вазиятни англагач эса боши осмонга етди.

Қон қуйилгач, алаҳлаб ётган бемор йигитча ўзига келгандек бўлди. Уч кундан сўнг амалиёт яна қайтарилди. Беморнинг кундан кун соғайиб бораётганини кўрган яқинлари Зулфияхонга ўз миннатдорчиликларини қандай изҳор этишни билмасдилар.

— Фарзандни дунёга келтириб ўстирган ҳам, унга қайтадан ҳаёт берган ҳам, ўз қонини аямаган ҳам онадир. Сиз энди набирамга қиёматлик она, қизимга эса сингил бўлдингиз, — деди Нодиржоннинг бувиси кўзларига ёш олиб.

Бу сўзлардан Зулфияхоннинг кўнгли алланечук бўлиб кетди... Ўз тақдири уни «сийламади»: беш фарзандни дунёга келтирди, аммо гўдакларининг ҳеч бири яшаб кетмади. Ҳаётнинг бу зарбалари турмуш ўртоғига оғирлик қилди, ажрашдилар. Ёлғиз қолган Зулфияхон синглисининг қизини бағрига олди, унга оналик меҳрини берди. Мана, энди у ўғиллик ҳам бўлди.

Ўзининг меҳри, оқибати билан инсонлар қалбига эзгулик уруғини сочаётган Зулфияхон каби юртдошларимиз билан фахрланса, улардан ибрат олсак арзийди.

Қурбон ЭГАМБЕРДИЕВ

А.ҲАКИМОВ чизган расм.

Mahalla

Таҳрир ҳайъати:

Анвар АҲМЕДОВ, Акмал САИДОВ, Ниғматилла АБДУЛЛАЕВ, Бобур АЛИМОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Раҳмон ҚЎЧҚОР, Таъна Берди ҚУРБОНОВ, Чори ЛАТИПОВ, Фаррух БЎТАЕВ, (бош муҳаррир ўринбосари) **Мавлуда ҚОСИМОВА,** (масъул котиб) **Бахтиёр РИЗАЕВ, Шухрат РИЗАЕВ, Беҳбуд ЖУМАЕВ.**

Таҳририят ўзи буюртма бермаган мақолалардан, хат, хабарлардан газета йўналишини ва уларнинг газета талабига жавоб беришини инобатга олган ҳолда имкон доирасида фойдаланади. Таҳририят унга ечим ясаш масъулиятига эга эмас.

Таҳририятга келган шикоят мактубларидан фақат таҳририят нуқтаи назари бўйича фойдаланилади. Таҳририят шикоятларга ечим излаш, хулоса ясаш ваколатига эга эмас.

Газета таҳририят компьютерларида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди. А-2, 2 босма тобоқ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Тошкент, Матбуотчилар кўчаси 32.

Телефонлар:
Қабулхона — 136-53-93
Тел/Факс: — 133-44-25
Масъул котиб: 136-53-75
Котибият — 136-55-69
Хатлар бўлими: 136-57-62

2007 йил 25 июль
30 (580)

10132 нусхада чоп этилди. Буюртма Г-620 Топширилди — 23.00
2 3 4 5 6